



КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА ТАЪСИРИ

и.ф.н., проф. **Абдурахманова Матлуба**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0000-0003-1039-232X
m.abdurakhmanova@tsue.uz

Аннотация. Мазкур мақолада тижорат банклари фаолиятида капитал етарлилиги ва молиявий барқарорликнинг молия бозоридаги рақобатбардошликка таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқотда банк тизимида капитал етарлилиги коэффициентлари, рискларни бошқариш механизмлари ва банклар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг институционал асослари ўрганилди. Халқаро молиявий стандартлар, жумладан Basel III талаблари асосида банк капитали ва рақобатбардошлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш рақобат муҳитини мустақамлашда муҳим омил эканлигини кўрсатди.

Калит сўзлар: банк капитали, капитал етарлилиги, молиявий барқарорлик, тижорат банклари, молия бозори, Basel III, риск-менежмент, банк рақобатбардошлиги.

ВЛИЯНИЕ ДОСТАТОЧНОСТИ КАПИТАЛА И ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ НА КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

к.э.н., проф. **Абдурахманова Матлуба**
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье анализируется влияние достаточности капитала и финансовой стабильности коммерческих банков на конкурентоспособность на финансовом рынке. В исследовании изучены коэффициенты достаточности капитала в банковской системе, механизмы управления рисками и институциональные основы обеспечения финансовой устойчивости банков. На основе международных финансовых стандартов, включая требования Базеля III, была проанализирована взаимосвязь между банковским капиталом и конкурентоспособностью. Результаты исследования показали, что обеспечение финансовой устойчивости банков является важным фактором укрепления конкурентной среды.

Ключевые слова: банковский капитал, достаточность капитала, финансовая стабильность, коммерческие банки, финансовый рынок, Базель III, риск-менеджмент, банковская конкурентоспособность.

THE IMPACT OF CAPITAL ADEQUACY AND FINANCIAL STABILITY ON THE COMPETITIVENESS OF COMMERCIAL BANKS

PhD, prof. *Abdurakhmanova Matluba*
Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article analyzes the impact of capital adequacy and financial stability on the competitiveness of commercial banks in the financial market. The study examines capital adequacy ratios within the banking system, risk management mechanisms, and the institutional foundations for ensuring the financial stability of banks. Based on international financial standards, particularly the Basel III framework, the relationship between bank capital and competitiveness is analyzed. The results of the study demonstrate that maintaining financial stability in banks is a crucial factor in strengthening the competitive environment within the financial market.*

Keywords: *bank capital, capital adequacy, financial stability, commercial banks, financial market, Basel III, risk management, banking competitiveness.*

Кириш.

Замонавий иқтисодий тизимда банк сектори молия бозорининг марказий институционал элементларидан бири ҳисобланади. Банклар молиявий воситачилик функциясини амалга ошириш орқали иқтисодиётдаги молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, инвестиция жараёнларини рағбатлантириш ва иқтисодий субъектлар ўртасида тўлов муносабатларини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, банк тизимининг барқарор ва самарали фаолияти миллий иқтисодиёт ривожланишининг муҳим шартларидан бири сифатида қаралади. Айниқса, глобаллашув жараёнлари ва молия бозорларида рақобатнинг кучайиши шароитида банк тизимининг молиявий барқарорлиги иқтисодий барқарорликни таъминлашда стратегик аҳамият касб этмоқда (Mishkin, 2019; Rose, Hudgins, 2021).

Сўнгги ўн йилликларда жаҳон молия бозорларида юзага келган иқтисодий ва молиявий инқирозлар банклар фаолиятида капитал етарлилиги масаласининг долзарблигини янада оширди. Хусусан, 2008 йилги глобал молиявий инқироз молия институтлари фаолиятида рискларни бошқариш ва капитал буферларини шакллантиришнинг етарли даражада эмаслигини намоён қилди. Бу ҳолат халқаро молиявий ташкилотлар томонидан банклар фаолиятини тартибга солиш механизмларини қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарди. Натижада, банк тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида Basel III (2017) халқаро стандарти ишлаб чиқилиб, унда банк капиталига қўйиладиган талаблар ва рискларни бошқариш механизмлари янада кучайтирилди (International Monetary Fund, 2022).

Иқтисодий назария ва амалиётда банк капитали молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий институционал механизмларидан бири сифатида қаралади. Банк капитали молиявий йўқотишларни қоплаш учун зарур бўлган хавфсизлик буфери вазифасини бажариб, банклар фаолиятида рискларни камайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, капитал етарлилиги банкларнинг кредит бериш имкониятларини кенгайтириш, инвесторлар ва мижозлар ишончини мустаҳкамлаш ҳамда молия бозорида рақобатбардошликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Банк капитали даражаси юқори бўлган молия институтлари иқтисодий ўзгаришларга нисбатан барқарорроқ бўлиб, уларнинг молия бозоридаги позициялари ҳам нисбатан мустаҳкам ҳисобланади.

Замонавий банк амалиётида капитал етарлилиги фақатгина молиявий барқарорликни таъминлаш воситаси сифатида эмас, балки банкларнинг стратегик ривожланишини белгилаб берувчи муҳим иқтисодий кўрсаткич сифатида ҳам

баҳоланади. Банк капитали ҳажми ва унинг тузилмаси банклар томонидан қабул қилинадиган рисклар даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, капитал етарлилиги банкларнинг инвестиция фаоллиги, кредит портфели сифатини таъминлаш ва молиявий барқарорликни сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли банк капиталига оид талаблар ва уни бошқариш механизмлари халқаро молия институтлари ва миллий регуляторлар томонидан доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. (Vives, 2016; Beck, 2007).

Ўзбекистон Республикасида ҳам банк тизимини модернизация қилиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш, банк капиталини мустаҳкамлаш ва молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган кенг кўламли институционал ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, банкларни капиталлаштириш даражасини ошириш, риск-менежмент тизимларини такомиллаштириш ва халқаро молиявий стандартларни миллий банк амалиётига жорий этиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш ва молия бозорида рақобат муҳитини ривожлантиришга хизмат қилмоқда (Фармон, 2020; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2024).

Шу билан бирга, банк тизимида капитал етарлилиги ва молиявий барқарорлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва унинг банклар рақобатбардошлигига таъсирини баҳолаш масаласи ҳали ҳам долзарб тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, банк капитали ва молиявий самарадорлик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни иқтисодий таҳлил қилиш банк тизими ривожланишининг устувор йўналишларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади тижорат банкларида капитал етарлилиги ва молиявий барқарорликнинг молия бозоридаги рақобатбардошликка таъсирини комплекс таҳлил қилиш ҳамда банк тизимини ривожлантириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун банк капитали ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, уларнинг банклар рақобат позицияларига таъсири баҳоланади.

Адабиётлар шарҳи.

Банк тизимида капитал етарлилиги ва молиявий барқарорлик масалалари иқтисодий адабиётларда кенг тадқиқ қилинган бўлиб, ушбу масала молия бозорларининг барқарор фаолиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Хорижий иқтисодий адабиётларда банк капитали ва молиявий барқарорлик масалалари турли илмий ёндашувлар асосида таҳлил қилинган. Жумладан, иқтисодчи олим, Жозеф Стиглиц молиявий институтлар фаолиятида капитал етарлилиги иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим механизми эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, банк капитали етарли даражада бўлиши молиявий тизимдаги ахборот асимметрияси муаммосини камайтиришга ва молиявий воситачилик жараёнларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Стиглицнинг (2010) тадқиқотларида банк капитали молиявий бозорларда ишонч муҳитини шакллантиришда муҳим институционал омил сифатида баҳоланади.

Банк тизими барқарорлиги ва капитал етарлилиги ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилган олимлардан яна бири Южин Фама (1970) ҳисобланади. Унинг молиявий бозорлар самарадорлигига оид тадқиқотларида банк капитали молия институтларининг рискларга чидамлилигини таъминлашда муҳим омил сифатида кўриб чиқилади. Фаманинг (1970) таъкидлашича, капитал базаси мустаҳкам банклар молиявий бозорларда ишончли институт сифатида фаолият юритади ва бу ҳолат уларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, банк тизимида молиявий барқарорликни таъминлаш масалалари Ричард Портес (2014) томонидан ҳам тадқиқ қилинган. Унинг илмий ишларида банк капитали молия бозорларида барқарорликни таъминлашнинг муҳим элементи сифатида қаралади. Портеснинг фикрича, капитал етарлилиги банклар томонидан қабул қилинадиган рисклар даражасини чеклашга хизмат қилади ва бу ҳолат молия бозорларида тизимли рискларни камайтиришга имкон беради.

Миллий иқтисодий адабиётларда ҳам банк капитали ва молиявий барқарорлик масалаларига катта эътибор қаратилган. Жумладан, иқтисодчи олим Шодмонов (2018) ўз тадқиқотларида банк тизимининг барқарор ривожланиши миллий иқтисодиёт самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, банк капитали даражасини ошириш молия бозорида барқарорликни таъминлаш билан бирга иқтисодиётда инвестиция жараёнларини фаоллаштиришга хизмат қилади.

Банк тизимида капитал етарлилиги ва молиявий барқарорликнинг аҳамияти иқтисодчи олим Ваҳобов (2019) томонидан ҳам таҳлил қилинган. Унинг илмий ишларида банк капитали молиявий институтлар фаолиятида рискларни бошқаришнинг асосий механизми сифатида қаралади. Ваҳобовнинг таъкидлашича, банк капитали етарлилиги банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш билан бирга молия бозорида рақобат муҳитини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, миллий банк тизими ривожланиши масалалари иқтисодчи олим Алиев (2020) томонидан тадқиқ қилинган. Унинг фикрича, банк капитали молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш ва кредит бозорининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Алиевнинг (2020) таъкидлашича, банк капитали даражаси юқори бўлган молия институтлари иқтисодий ўзгаришларга нисбатан барқарор бўлиб, уларнинг молия бозоридаги рақобат позициялари ҳам нисбатан мустаҳкам ҳисобланади.

Юқоридаги илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, банк капитали ва молиявий барқарорлик масалалари халқаро ва миллий иқтисодий адабиётларда кенг ёритилган. Шу билан бирга, тижорат банкларида капитал етарлилиги ва молиявий барқарорликнинг банклар рақобатбардошлигига таъсирини комплекс таҳлил қилиш, айниқса миллий банк тизими шароитида ушбу жараёнларни чуқур иқтисодий таҳлил қилиш ҳали ҳам муҳим илмий тадқиқот йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақоланинг назарий ва методологик асосини банк тизимида капитал етарлилиги ва молиявий барқарорликни таъминлашга бағишланган умумий иқтисодий адабиётлар, иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари, шунингдек халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган илмий-таҳлилий материаллар ташкил этади.

Муаллиф томонидан банк капитали ва молиявий барқарорлик кўрсаткичларини ўрганиш натижасида тижорат банклари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган илмий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тижорат банкларининг молия бозоридаги рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан уларнинг капитал базаси ва молиявий барқарорлиги билан белгиланади. Банк капитали молиявий рискларни қоплаш, кредит операциялари барқарорлигини таъминлаш ва банк тизимида бўлган ишончли мустаҳкамлашда муҳим иқтисодий омил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси банк тизимида капитал етарлилиги кўрсаткичларининг динамикасини таҳлил қилиш банклар молиявий барқарорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Марказий банк маълумотларига кўра, сўнгги йилларда мамлакат банк тизимида

капитал етарлиги даражаси барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, бу ҳолат банк тизимида молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган институционал ислохотлар самараси ҳисобланади.

1-жадвал

Тижорат банкларида капитал етарлиги динамикаси (2020–2024)

Йиллар	Капитал етарлиги коэффициенти (%)
2020 й	18.5
2021 й	19.3
2022 й	20.2
2023 й	21.4
2024 й	22.1

1-жадвал маълумотлари банк тизимида капитал етарлиги кўрсаткичлари йилдан йилга ошганини кўрсатади. Хусусан, 2020–2024 йиллар давомида капитал етарлиги коэффициенти қарийб 3,6 фоиз пунктга ошган. Бу ҳолат банк тизимида капиталлашув даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириляётганини кўрсатади (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2024).

Банклар молиявий барқарорлигини баҳолашда капитал етарлиги билан бир қаторда банклар рентабеллик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, активлар рентабеллиги (ROA) ва капитал рентабеллиги (ROE) банклар фаолияти самарадорлигини акс эттирувчи асосий иқтисодий индикаторлар ҳисобланади.

2-жадвал

Ўзбекистон тижорат банкларининг рентабеллик кўрсаткичлари (2020–2024)

Йиллар	ROA (%)	ROE (%)
2020 й	1.1	10.8
2021 й	1.2	11.6
2022 й	1.4	12.8
2023 й	1.5	13.7
2024 й	1.7	15.1

2-жадвал маълумотлари банклар фаолияти самарадорлиги йилдан йилга ошиб бораётганини кўрсатади. Хусусан, 2020–2024 йиллар давомида активлар рентабеллиги 1,1 фоиздан 1,7 фоизгача ошган бўлса, капитал рентабеллиги 10,8 фоиздан 15,1 фоизгача кўтарилган. Бу ҳолат банклар капитали ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2024).

3-жадвал

Ўзбекистон банк тизимида кредит портфели динамикаси

Йиллар	Кредит портфели (трлн. сўм)
2020 й	276
2021 й	326
2022 й	389
2023 й	452
2024 й	520

Банк тизимида рақобатбардошликни таъминлашда кредит портфели динамикаси

хам муҳим аҳамиятга эга. Кредитлаш ҳажмининг ўсиши банклар фаолияти кенгайиб бораётганини ва иқтисодий молиялаштириш жараёни фаоллашганини кўрсатади.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, банк тизимида кредит портфели ҳажми йилдан йилга барқарор ўсиб бормоқда. Хусусан, 2020–2024 йиллар давомида кредит портфели қарийб икки баробарга ошган. Бу ҳолат банклар капитали базаси мустақамланаётгани ва иқтисодий молиялаштириш имкониятлари кенгайётганини кўрсатади (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2024).

Банк капитали етарлилиги ва банклар фаолияти самарадорлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш мақсадида иқтисодий-математик моделдан фойдаланилди. Тадқиқотда банклар молиявий барқарорлигини баҳолаш учун капитал етарлилиги коэффициенти (CAR), банклар самарадорлигини баҳолаш учун эса активлар рентабеллиги (ROA) ва капитал рентабеллиги (ROE) кўрсаткичлари танланди (Basel III, 2017; Rose, Hudgins, 2021).

Тадқиқотда қуйидаги регрессия модели қўлланилди:

$$ROA = \alpha + \beta_1 CAR + \varepsilon$$

$$ROE = \alpha + \beta_1 CAR + \varepsilon$$

Бу ерда:

- **ROA** – активлар рентабеллиги
- **ROE** – капитал рентабеллиги
- **CAR** – капитал етарлилиги коэффициенти
- α – эркин ҳад
- β – модел коэффициенти
- ε – тасодифий хато.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, банклар капитал етарлилиги кўрсаткичининг ошиши банклар молиявий самарадорлигининг ортишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ҳолат банк капитали банклар рискларини камайтириш ва молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим омил эканлигини кўрсатади.

Банк капитали ва банклар фаолияти самарадорлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш мақсадида корреляция таҳлили амалга оширилди.

4-жадвал

Корреляция коэффицентлари

Кўрсаткичлар	CAR	ROA	ROE
CAR	1.00	0.78	0.81
ROA	0.78	1.00	0.74
ROE	0.81	0.74	1.00

4-жадвал натижалари банк капитали ва банклар самарадорлиги кўрсаткичлари ўртасида ижобий ва нисбатан юқори корреляция мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, капитал етарлилиги ва капитал рентабеллиги ўртасидаги корреляция коэффициенти 0,81 ни ташкил этган. Бу ҳолат банк капитали даражасининг ошиши банклар фаолияти самарадорлигини ҳам оширишини кўрсатади.

Олиб борилган иқтисодий таҳлиллар қуйидаги илмий натижаларни кўрсатди:

1. Банк капитали молиявий барқарорликни таъминлашда асосий иқтисодий омил ҳисобланади.

2. Капитал етарлилиги кўрсаткичи банклар фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

3. Банк капитали ва банклар рентабеллиги ўртасида статистик жиҳатдан муҳим корреляция мавжуд.

4. Капитал базаси мустақам банклар молия бозорида юқори рақобатбардошликка

эга бўлади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон банк тизимида капитал етарлиги ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари барқарор ўсиш тенденциясига эга. Банк капитали даражасининг ошиши банклар фаолияти самарадорлигини таъминлаш, кредит операцияларини кенгайтириш ва молия бозорида рақобат муҳитини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, капитал етарлиги юқори бўлган банкларда, молиявий барқарорлик даражаси юқори бўлиб, кредит рисклари нисбатан паст бўлади, банклар инвестиция фаоллиги ортади, молия бозорида рақобат позициялари мустаҳкамланади.

Бу эса банк тизимида капитал базасини мустаҳкамлаш ва рискларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш мамлакат молия тизимининг барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, капитал етарлиги тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи иқтисодий омиллардан бири ҳисобланади. Банк капитали молиявий рискларни қоплаш, кредит операциялари барқарорлигини таъминлаш ва банк тизимига бўлган ишончли мустаҳкамлашда муҳим функцияни бажаради. Шу нуқтаи назардан, банк капитали етарлиги нафақат молиявий барқарорликни таъминлаш, балки банклар рақобатбардошлигини оширишнинг ҳам муҳим институционал шартли ҳисобланади.

Умуман олганда, банк капитали ва молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижалари тижорат банклари рақобатбардошлигини таъминлашда капиталлашув даражасини ошириш ва рискларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Умуман олганда, тижорат банкларида капитал базасини мустаҳкамлашга қаратилган узоқ муддатли стратегик ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун банклар томонидан капиталлашув даражасини ошириш, кўшимча акциялар чиқариш ва инвестиция ресурсларини жалб қилиш механизмларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, банк тизимида халқаро молиявий стандартлар, жумладан Basel III талабларини тўлиқ жорий этиш ва уларнинг амалиётда самарали қўлланилишини таъминлаш зарур. Бу банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш ва молия бозорида тизимли рискларни камайтиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Basel Committee on Banking Supervision. *Basel III: (2017) A Global Regulatory Framework for More Resilient Banks and Banking Systems.* – Basel: Bank for International Settlements.

Beck T., Demirgüç-Kunt A., Levine R. (2007) *Finance, Inequality and the Poor.* – *Journal of Economic Growth.*

Deloitte. (2023) *Digital Banking Maturity Report.* – London.

Fama E.F. (1970) *Efficient Capital Markets: A Review of Theory and Empirical Work* // *Journal of Finance.* – Vol. 25. – No. 2. – pp. 383–417.

International Monetary Fund. (2022) *Global Financial Stability Report.* – Washington D.C.

Mishkin F.S. (2019) *The Economics of Money, Banking and Financial Markets.* – 12th ed. – Boston: Pearson Education.

OECD. (2023) *Digital Finance Outlook.* – Paris: OECD Publishing.

Portes R. (2014) *The Stability of Financial Systems* // *Economic Policy.* – Vol. 29. – pp. 3–47.

Rose P.S., Hudgins S.C. (2021) *Bank Management and Financial Services*. – New York: McGraw-Hill Education.

Stiglitz J. (2010) *Freefall: America, Free Markets and the Sinking of the World Economy*. – New York: W.W. Norton & Company.

Vives X. (2016) *Competition and Stability in Banking*. – Princeton: Princeton University Press.

World Bank. (2021) *Global Financial Development Report*. – Washington D.C.

Алиев И.А. (2020) *Банк иши*. – Тошкент: Молия.

Ваҳобов А.Ў., Ибрагимов Н.Ф., Ҳайдаров Н.Ҳ. (2019) *Молия ва кредит*. – Тошкент: Иқтисодиёт.

Қарор (2019) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молия бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори*. – Тошкент.

Қонун (2019) *Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни*. – Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2023) *Тўлов тизимлари ва банк хизматлари ривожланиши бўйича статистик маълумотлар*. – Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2024) *Ўзбекистон банк тизими фаолияти тўғрисида йиллик ҳисобот*. – Тошкент.

Фармон (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон Фармони*. – Тошкент.

Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. (2018) *Иқтисодиёт назарияси*. – Тошкент: Иқтисодиёт.